

УМИД АЛИ

ДИЛМОҲИМ

Шеърлар

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005

84(59)6-5

*Самарқандлик ёш қаламкаш Умид Али жиддий шеър-
риятнинг сарҳадларига кўз ташлаётган ижодкор. У туй-
гуларини, ҳиссиётларини сокин бир оҳангда ўзига хос таш-
беҳларда ифода қилишга ҳаракат қилади. Ҳар бир шеър-
нинг ортида қалбининг каттагина тугёнлари, азоблари
турганини ҳис қиласиз. Ёш ижодкорнинг ташриф қозоғи
бўлмиш ушбу тўплам шеърят мухлисларида яхши таас-
сурот қолдиради деган умиддамиз.*

ISBN 5-633-01726-9

© Умид Али. «Дилмоҳим».

«Янги аср авлоди». 2005 йил.

2005 А 3043	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Mh
----------------	--

10

СЎЗГА АЙЛАНГАН ИШҚ

Юрагимни оловга кўмдим,
Кўкка учдим сизга айтмай, ман...
Руҳим покланмоқда — оплоқ ишқ,
Мен ишқдаман, сизга қайтмайман!..

Сўз самода эди. У илоҳий эди. Сир эди.

Борлигини аён этди — у ишқ эди. Чиганоқ бағрида
яширганан дурдаи шоир руҳиятини ёруғ қилган нур эди.
Сўзнинг 365 қирраси бор экан. Шунча турланганла-
риво... товланганлари...

Эҳтимол, унинг бир қирраси юракка тушгандир...
Ҳар ҳолда шоир уйғонди. Ўз кўнглида тугилди. Ишқ
бўлиб, оплоқ ишқ бўлиб тирилди. Бу тугилиш мубо-
рак... Зеро, юракни оловга кўмиш осон эмас. Сўзга
айланиш эса мўъжизадир.

Шу сабаб ҳам ижодда илоҳий сир бор. Руҳнинг
покиза умри, юксалиши, шоир умрининг мукаммал-
лиги ҳам шеър деган сирли ҳодисада кўринади.

Муҳаббат...

Қовушган руҳлар у, ҳеч никоҳланмас,
Севгим шомларида ўйларим маънос.
Соғинчлар ёқалаб кетялман дайдиб,
Юрак талтинадди сен томон ҳануз...

Умид Али кўнглининг суратларини шеър деган
ҳаётда кўргиси келади. У бадиий тасвир воситала-
ридан унумли фойдаланади. Руҳият чизгилари,

кўнглининг исмсиз туйғулари қуюқ ташбеҳлар ва тимсолларда жонланади. У оҳангдорликни, шеърнинг ички мусиқасини ҳис қилади.

«Ижод лаззатини ҳис қилган инсонга дунёнинг бошқа лаззатлари керак бўлмай қолади», дейди улуғ адиблардан бири. Шеърга етиш ва у билан юзма-юз бўлиш, сўз ҳароратини ҳис қилиш ҳам бахтдир аслида. Бу кўнгли бахти. Ижодкорни бу қийноқли кўнгли бахтидан бенасиб этмасин.

Зебо МИРЗАЕВА, шоира

*Ватан дейман, такрор айтаман Ватан,
Бирлаша бошлайди юрак, ақл, тан.*

У.АЗИМ

Тупроқни сачратманг, оқ, қаттиқ босманг,
Ахир сиз ўшандан яралган бир зот.
Қаранг, сизга таъзим айлаб турибди,
Ўзингизни унга қилманг етти ет.

Авайлаб олинг-да унга чўмилинг,
Сув ювар у ёғу бу ёғингизни.
Тупроқнинг бир умр аччиқ қисмати —
У тинмай ювади оёғингизни.

Охирда терасиз бор тошингизни,
Энг сўнгги манзилга босасиз қадам.
Тупроққа қўясиз шу бошингизни,
Афсус, кеч англайсиз, тупроқ — бу Ватан.

Сизни ранжитдимми,
Хафа қилдимми?
Кўнглингиз оғринса
Кўрдимми ҳузур?
Кўзларингиз намми —
Бу ҳам менданми?
Ҳатто сўрамадим,
Бир бора узр.
Мендек бағритошга
Чидайсиз нечун?
Нечун ўзингизни
Қиласиз мунглиғ,
Бардошингиз кўпми?
Яшайсиз мен-чун.
Қалбингизда алам,
Ғамлар, мунглар лиқ.
Лекин қарғамайсиз,
Лаънатламайсиз.
Барига дош берар
Сабргул-юрак.
Сиз мени севасиз,
Шуни биласиз —
Жонингизга мену,
Менга сиз керак.

Севиш керак, яшаш шарт эмас!
Муҳаммад ЮСУФ

Эҳ!..

Оппоқ қор ёққанди ўша пайт,
Дунёни қорларга кўмган эди ишқ.
Кўнгилларда фақат битта ширин байт:
«Сизни севиш керак ва яна севиш!»

Қорлар нафасидан музларди кунлар,
Лекин икки қалбда гулхандай ёниш.
Оҳанг таратарди қизиган унлар:
«Сизни севиш керак ва яна севиш».

Оқ капалакчалар — учиб тўзган пар,
Сочларга сянгади ақлдан озип,
Тўқнашар нигоҳлар, кўзлар сўзлашар:
«Сизни севиш керак ва яна севиш...»

Ишқ қори ёғарди юраклар узра,
Лекин совуқ тафти — куйдириш, куйиш.
Лаблар тиним билмас, чарчамас сира:
«Сизни севиш керак ва яна севиш!»

Эҳ!..

Оппоқ қор ёққанди ўша пайт,
Дунёни қорларга кўмган эди ишқ,
Кўнгилларда фақат битта ширин байт:
«Сизни севиш керак ва яна севиш».

• • •

Осмон боқиб турар маҳзун ва маъюс,
Сенсизлик қалбларни ўртайди ногоҳ.
Мендан-да дилгирроқ сени севган куз,
Мендан-да ғамгинроқ гузал тийрамоҳ.

Узлатда дил озор-шитирлаш авжи,
Томчилар томади-юксалар андуҳ.
Юракка зарбалар берар ишқ-қамчи,
Мен бирла йиғлайди куз-асира руҳ.

Армонда улғайган кўнгиллар хаста,
Бутун олам хароб, шашти хазон тус.
Мен сенсиз кетяпман дунёдан аста,
Дилмоҳим, эртакка айланади куз.

*Ахир қон ютиб зор қаргамоққамас,
Севмоққа яралган
Юрагим!*

Зебо МИРЗАЕВА

Меҳрга ташна қалб ёнган кун,
Билмадим бор-йўқ керагим.
Кўнгилда телбадай яшаш-чун
Севмоққа яралган юрагим.

Баҳорнинг соғинчи — қизғалдоқ,
Капалак ишқидай яйрагим.
Бу ёғи не бўлар, хўш қандоқ?
Севмоққа яралган юрагим?!

Ишқдан бўлак не бор бисотда,
Қалбимдан келади сўрагим?
Сукутда сўз қотган бир зот-да,
Севмоққа яралган юрагим.

Кўнгилнинг тафтида жон сақлар
Қуёшдай нурланиб аллаким.
Туйғулар шўх-шаддод ўйноқлар,
Севмоққа яралган юрагим.

Кўзларда севгининг суврати,
Жон бериб мен сиздан сўрагим.
Дил ишқсиз нени ҳам кўради,
Севмоққа яралган юрагим?!

Севмоққа яралган юрагим!..

Гул эдим мен, кул бўлдим,
Ўз-ўзимга гул бўлдим,
Дил эдим-а, дилижон,
Энди дилга қул бўлдим.

Кун оёқлар — ғамимдир,
Тун саёқлар — ғанимдир.
Сен юрмас кўчаларда
Бош-адоғсиз йўл бўлдим.

Ўйларимда тўй бўлар,
Тўйларимда ўй бўлар.
Ёрилган дилим аччиқ —
Кўз ёш тўла қўл бўлдим...

Айро-айро юраклар —
Керакмас, ёт кераклар...
Эрдан мосуво кўнгил —
Майда-майда мўл бўлдим.

Мен заминман, сен — осмон,
Иккимиз икки жаҳон.
Қуруғу ҳўл бирлашмас,
Сен — денгиз, мен чўл бўлдим.

Юрак ошөним эди,
Севги ош-ноним эди.
Нима қилдинг, дилижон,
Дунё ўнгсиз, сўл бўлдим.

Гул эдим мен, кул бўлдим,
Ўз-ўзимга ғул бўлдим.
Дил эдим-а, дилижон,
Энди дилга кул бўлдим?!

ҚАЛБИ КУЮК ҚИЗЛАРГА

Эй, юракнинг бандилари,
Менинг ўтлиғ дарддошларим.
Ўлмай туриб ўлган диллар —
Армон отлиғ сирдошларим,
Гул экиб, гул ундирмагин,
Кўклам эмас, куздошларим.
Диллар экиб, дил унмаган
Наволарим, издошларим.
Баҳор қайтар кун бўлади,
Оппоқ осмон измингизда.
Юрак куйиб тун бўлади,
Чопа-чопа изингиздан.
Ҳали гуллар унар унда,
Таратиб бўй — севгингизни.
Сиз севилган қутлуғ кунда
Дил бандилар бегингизни.

ХАЙРЛАШУВ КЕЧАСИДА

Талаба...

Энг аччиқ сўзни ютди у,
Севинчлар бир зумда тупроқ бўлдилар.
Кўнгил қақшаб қолди юлдузсиз тунда,
Аламлар кўзларга, дилга тўлдилар.

Талаба...

Шунда ҳам гўзал кулди у,
Кенгайди теп-текис энг оппоқ йўлак.
Кўнглининг энг оппоқ хоналаридан
Қайноқ ёшлари-ла билдирди тилак.

Талаба...

Бу оқшом йиғлаб ҳам кулди,
Шу чоқда кўнгилнинг тожи эди у.
Дийдордан айрилмоқ келарди малол,
Дийдорга очиққан овчи эди у.

Талаба...

Соат капгирлари мунча тез юрар,
Тонг отмоқда, энди энг сўнги азоб:
Хайрлашмоқ керак аччиқ ёш билан,
Маънос нигоҳ ила бермоқлик жавоб.

Юрагимни оловга кўмдим —
 Кўкка учдим сизга айтмай, МАН.
 Руҳим покланмоқда — ОППОҚ ИШҚ,
 Мен ишқдаман, сизга қайтмайман.

Эсламанг сиз, мени унутинг,
 Худди мендек яшанг телбавор.
 Телбаликда агар билсангиз
 Ишқнинг ишқдан улуғлиги бор.

Фақат сизга ачинаман бот,
 Севги нима, ҳануз билмайсиз?
 Кўнгил — Сизу, кўнгилдай бўлиб
 Қалбингизни сева олмайсиз.

Мен бахтлиман, топганим шу ишқ,
 Олов ичра яшар юрагим.
 Бу юракнинг қат-қатларидан
 Нур бўб чиқар ишқим — малагим...

*Кет, деб ҳайдолмасам нетаман,
Кел, деб айтолмасам нетаман.*

Муҳаммад ЮСУФ

Мендан узоқ юринг,
Сизни кўргим йўқ.
Энди унутгайман
Қалбимдан юлиб.
Куйдираверса-да
Дилимдаги чўғ,
Ёнсам-да, кул бўлсам,
Ҳаттоки ўлиб.
Нечун яна пайдо
Сиймонгиз...
Йўқ?!
Мен ўлиб бўлганман
Ишқимда қотиб.
Нега тикиласиз,
Нигоҳингиз — ўқ.
Ахир қанча ўқлар...
Юрибман ютиб.
Нега жилмаясиз
Куйдириб дилни,
Асир оласиз-у,
Кишанлайсиз бот.
Қулфлаб қўясиз-да
Гулгун тилимни,
Ютқазиб қўяман,

Ҳар галгидек мот.
Яна кўринасиз
Нигоҳлар ташлаб,
Кет, деб ҳайдолмасам
Нетай бу дилни.
Жодулайсиз яна
Кўзларим ёшлаб
Кел, деб айтолмасам
Нетай бу тилни.

* * *

...2a


Сиздек бокира қиз, сиздек ҳурлиқо,
Кўзлар тафти олов — куйдиргувчи қиз.
Сизни севдимми мен, ҳечам-да, асло,
Ёлғон, нигоҳимга мих йўлларингиз.

Кўнгил дайдиб юрса ишқ йўлларида,
Ўт бўлиб ёнганим сиз учунмас, йўқ!
Мени деб гулгунлар ўнг-сўлларимда
Кезишар девона (қалбларида чўғ).

Деганим: «Дунёда фақат битта қиз»,
У сизмас, «баҳорнинг ҳур келинчаги».
Йиғласам, кўз ёшдан жимир-жимир из,
Сизгамас, туғилган дардим (кечаги).

Бугун янги оқшом, лекин ўша ишқ,
Севги изҳорида дил парча-парча.
Сизгамиди, билмам, бу қандай ташвиш:
Тонсам, лаънатлайди МУҲАББАТ — барча.

Сиздек бокира қиз, сиздек ҳурлиқо,
Кўзлар тафти олов, куйдиргувчи қиз.
Сизни севдимми мен, ҳечам-да, асло —
Ёлғон!
Нигоҳимга мих йўлларингиз.



Кўкрак зор қақшади, чап хона бўм-бўш,
 Юрак бу хонага кирмайди қайтиб.
 Ахир ҳозиргина жон берганди у,
 Энг сўнгги сўзини баралла айтиб.

Кўзлар ўлган эди, аза бўлмади,
 Нажот топилмади ҳатто тилга ҳам.
 Дил қандай қадрли — тупроқ эди у
 Умри мобайнида кўп яшаган жам.

Кўзлар: «Зулмат босди дунёмни», деб,
 Тил эса: «Гунг бўлдим, қотяпман», деди.
 Юрак ўкинч билан айтди тортиб «оҳ»,
 Ажраляпман ишқдан — паноҳим эди.

Сизга ишонгандим кўнглимни бериб,
Кўзларим чўғида порлаганди ишқ,
Нигоҳлар олов тус — нигоҳлар севиб
Қалб-қалбдан ёнганди, зорланганди ишқ.

Сизга ишонгандим кўнглимни бериб,
Ўйловдим қанот бор, энди учамиз.
Севги юлдузларин бирма-бир териб,
Юракларга тақиб, кейин қучамиз.

Сизга ишонгандим кўнглимни бериб,
Дунё — эски чақа, унутамиз биз.
Вужуддан, жондан ҳам тониб-да тониб,
Севги деб яшаймиз, сеvgи — иккимиз.

Сизга ишонгандим кўнглимни бериб,
Ҳаммадан айрича (дилда танҳомиз).
Ишқимни юракнинг тубига экиб
Кутган эдим нажот — ишқ-ла келасиз.

Сизга ишонгандим кўнглимни бериб...

•••

«Бахт сурати» ҳикоясига

Адашибман...
Тун оппоқ,
Қуёш қоп-қора экан.
Оқшом — оқ, кундуз — қора,
Юраклар пора экан.
Вужуд — жон, жон-чи жисм,
Ҳар дил оғунўш қадаҳ.
Синса чил-чил... ташланур,
Ҳар «оҳ» минг зора экан.

Адашибман...
Армон — оқ,
Орзулар-чи тим қора.
Тор йуллар — кенг, беадоғ,
Энлиси — сўқмоқ, дара.
Бўстон асли тиканзор,
Оёқ қўйилса — яра.
Кўнгилдан холи хилқат
Севгида сара экан.

Адашибман...
Бахт — қора,
Алам, ғам, мунглар оппоқ.
Оғриқ — лаззат, лаззат — ёв,
Дард — ширин, аччиқ — мароқ.
Бахтнинг суврати турар,
Қалбда чизилган, бироқ
Мавж урган кўнгил ранги —
Оқ қалам қора экан.
Адашибман...

«Чолиқуши» фильмига

Жудолик диёри:
айри-айри йул,
Мен кўнгил дайридан тониб кетяпман.
Нетай, севгим хазон,
Хазон севгим мўл...
Мен ишқнинг кўйида ёниб кетяпман.
Кўнгиллар мезони:
Бахтдан йўқ нишон,
Қароғлар жодулар, соф нигоҳлармас,
Муҳаббат...
Муҳаббат — ё сукут, ё шон,
Қовушган руҳлар у, ҳеч никоҳланмас.
Севгим шомларида ўйларим маъюс,
Соғинчлар ёқалаб, кетяпман дайдиб.
Юрак талпинади сен томон ҳануз,
Нетай,
Келолмасам орқага қайтиб?
Нетай...

Ёмғир ёғаётир,
 Дард бўлиб селдай,
 Гуссанинг мағзидан оқаётир, эй,
 Бир дунё мунг ортган энг ғамгин дилдай
 Кимдир йиғлаб-йиғлаб
 Бораётир-эй...
 Ёмғир ёғаётир
 Нафислик истаб,
 Маъсума кўнгилнинг хонишларида...
 Томчилар томчилар
 Сирғаниб, сирпаб,
 Кимнингдир бокира ёнишларидан.
 Ёмғир ёғаётир
 Андуҳ сачратиб,
 Юракни ёндириб, ёшлар қуйдирар,
 Қалбларни қалбларга қўшиб, ажратиб
 Кимнидир...
 Кимнидир маҳзун суйдирар
 Ёмғир ёғаётир...

ОППОҚ ДИЛ

Кўздан кечган қалбда кузнинг ҳавоси,
Хазонлар мисоли тўпланади ғам.
Нажотдан маҳрум дил энди не қилсин,
Жон узилган баргдай бўлса, азизам?!

Йўқ, йўқ қарғамайман рақибим — кузни,
Ундан гинам йўқдир, адоватим йўқ.
Аслида ўзимни лаънатлаш керак,
Шу сабил юракка отиш керак ўқ.

Билмадим, ишқ дея кўнгиллар бердим,
Севгини тушунган барча қизларга.
Мен эса тушунмай қиз севавердим
Бор дунёим тўкиб тилла сўзларга...

Азизим, кўнгилнинг худоси эдим,
Сизга дуч келмасдан яшаган даврим.
Негадир мендан-да устун келдингиз,
Ёниб кетдим хасдай, ёндирган — севгим.

Сиз менга андуҳлар тортиқ қилган куз —
Юракни оловга ирғитган ҳаёт.
Мен-чи, хазон бўлиб елга айланган
Барча кўнгилларни хазон қилган зот.

* * *

Сизни унутмоққа уриндим минг бор,
Ўзни чалғитмоққа нелар қилмадим.
Аслида мен кимман — бир кўнгилга зор,
Айтинг, кўнглингизга нечун сиғмадим?

Тонглар отаверди бесабрликда,
Ишқнинг тутқунига айландим бот-бот.
Куним ўтаверди беқадрликда,
Юракка тушмасди гуллаган ҳаёт.

Сиздан тухфа бўлди ёнаётган дард —
Ҳажрнинг куйлари ўртанмай қўймас.
Мен мардман, ишқ дея жон бергувчи мард,
Севгидан қонмаган бир кўнгил — тўймас.

Ёрижон, кетярсиз кузда ёш билан,
Мен эса тош қотгум ҳур изингиздан.
Дилга тортиқ қилиб ғам, снтам, алам,
Кечиб бормоқдасиз умидингиздан...

Осмон йиғлаб қолди, ёшлари дарё,
Оқиб бораётир қон бўлган бағир.
Мен сўнгсиз юракни смоқдаман ё
Юрак қақшаб мени смоқда ахир.

Узилиб қолган бу жондан не умид,
Умид ўзи сўниб айласа тутун.
Ҳавода таралар менга таниш ҳид —
Юрак, озорлиги кўкдан-да бутун.

Энг сўнгги нафасда сенга илтижом,
Мени кўмиб қўйгин кўнгил дайрига.
Сенга интилмоқ-чун қалқир ширин жон,
Мен шошиб чиқяпман ишқнинг сайрига.

Сизни ёр дегандим,
Ёрим дегандим,
Кўнглимнинг моҳ гули —
Борим дегандим.
Сайр этиб гуло-гун
Гуллар ичинда.
Адашсам, ёнсам... Оҳ —
Орим дегандим.

Ногоҳ йўл узилса
Кўзлар аролиғ,
Нигоҳлар беманзил,
Ришта яролиғ.
Қалб мунглиғ, жонга тиг.
Кўзлар ашкка лиқ,
У дунё, бу дунё —
Зорим дегандим.

Жондан кечсам ҳамки
Қалбга қадаб туғ,
Юрак ишққа синггач
Боқса қорачуғ.
Вужуд силталаниб
Учиб чиқса руҳ,
Минг оламда танҳо —
Ёрим дегандим!

Сизни ёр дегандим,
Ёрим дегандим...

ОППОҚ —

Тонгнинг қўлларида эритилган тош.

ҚОРА —

Тун кўзида балқиб, томиб тушган ёш.

САРИҚ —

Куннинг юрагини ўпаётган нур.

ҚИЗИЛ —

Қуёш ботар чоғи чертилган танбур.

ЯШИЛ —

Бу сачраниб кетган майсанинг қони.

КЎК РАНГ —

У — сўнгги манзил, руҳлар қабристони.

Бу қора кўзларга тикилсам узоқ,
Бўғзимга тиқилган томчилар қайнаб,
Сира тинмас юракни қаттиқ куйдирар.

Бу қора кўзларга тикилсам узоқ,
Баҳор юрагини лолага солиб,
Кўзларимга тиқар жилмайган дунё.

Бу қора кўзларга тикилсам узоқ,
Мен билган-билмаган туйғулар жўшиб,
Қалбимга шовуллаб оқаверади.

Бу қоп-қора кўзлар охир-оқибат
Асрга олади шу нигоҳимни...
Тамоман бўйсунар менинг кўзларим.

Уч нуқта ...
Биламан сенда мужассам,
Бошдан, оёқ разм солинган кун.
Хобгоҳларга ўн икки соат
Ташқаридан мўралаган тун.

Уч нуқта...
Сукунатга тил ўргатган сен,
Гоҳ ширинсан, гоҳо аччиқ туш.
Савол билан онгни савалаб
Уялтириб қўясан... беҳуш.

Уч нуқта...
Бир нуқтавг — ҳукм айлар, рост,
Жуфти-қини еру осмоннинг.
Ва қиёфанг — уч нуқта, даҳшат...
Сайёди бўласан инсоннинг.

Уч нуқта...

Билсангиз,
Мен яна кетяпман,
Милён йиллар кўрмасман сизни.
Сиз эса орзиқиб кутасиз
Жондан ортиқ кўрганингизни.

Билмадим,
Эртақлар бормикан,
Мен борган томонда нелар бор?
Кўнгил майдонида ким зўру
Кимнинг қалби кенг, кимники тор.

Биламан,
Сиз менга ҳамиша
Севгининг нуридай кўнгилсиз.
Кутасиз энтикиб, мени деб
Яшолмайсиз бир зум кўнгилсиз.

Алдаб кўйдик бир-биримизни,
 Ёлгон сўзлар бу қора кўзлар.
 Шамол ялар изларимизни
 Жодуландик — тилда ёт сўзлар.

Кутолмаймиз кечамизни ҳеч,
 Тонгларимиз шом бўлди — қайғу.
 Учрашамиз, энди бари кеч,
 Воз кечмоқда қалблардан туйғу.

Йўлларимиз тап-тақир чўллар,
 Иккимизда беадоқ алам.
 Бахт боғимиз хазонлик йўллар
 (Ўзи хазон бўлса бу олам).

Тугаб борар бошланган кўшиқ,
 Сочаятмиз бор сиримизни.
 Биздан тўзғиб кетар мовий ишқ —
 Алдаб кўйдик бир-биримизни.

• • •

Сочингиз тўзғитиб шумланди шамол,
Толалар ортида қийналар кўзлар.
Мен сизга қарайман кулиб-кулиб бот
Беандиша нигоҳ севгидан сўзлар.

Соч томон судралиб титранган қўлим,
Тутқунликда этар кўзларни озод.
Бир ширин манзара: гавҳарингизда
Мен кулиб турибман, азизим-ҳаёт!

Бир олов қалбимни гуриллатди, сўнг
Вужудим яйради, тўлиб-тошяпман.
Севгидан карахтман, юрагингизда
Жонгинам, наҳотки мен яшяпман!

Ёр бўлди,
ёр-ёр бўлди,
Келинчак тайёр бўлди.
Менинг телба юрагим
Бир қалбга сайёр бўлди.
Вужуд ўртар, қалб хаста,
Қотиб қолган кўзларим.
Мен ҳамон гул ишқида
Гул ғойиб — айёр бўлди.

Ёр бўлди,
Ёр-ёр бўлди,
Келинчак тайёр бўлди.
Менинг ўз узар гулим
Бошқага дилдор бўлди.

Эй малагим, эшитгин,
Қалб пора-порасини,
Менга энди ер эмас,
Осмо-он
Диёр бўлди.
Ёр бўлди,
Ёр-ёр бўлди,
Келинчак тайёр бўлди.
Келинчак тайёр бўлди —
Эссиз,
У — айёр бўлди.

ХОНАДАГИ КАПАЛАК

Тинмай қанот қоқиб у
Деразага урилар.
Ёпиқ ахир?!
Эшик-чи,
Учиб чиқса-ку бўлар.
Ҳамон талпинмоқда у.
Гўё
парвонани чорлаган чироқ —
Ташқарида тебраниб нозли
Бўй кўрсатар лолақизғалдоқ.

* * *

Юрак эрта пиша бошлайди,
Бирдан қайнар — тошиб кетар қон.
Оқ аланга саҳнидан тушиб,
Қалб ичига кириб олар жон.

Кенгаяди кукрак ҳам энди,
Тана қизир, гангийди бу бош.
Бутун танни қизитган олов,
Кузни ёриб думалатар тош.

Кўзларда ишқ ухлар, уйғотмоқ малол,
Қалбда дунё ўзни асалга солар.
Новвогранг кўнгилнинг бошида ғавғо,
Севиб, севиб охир... севилиб қолар.

Ҳаёт қизиб турар, қайнар шодумон,
Томчиланган баҳор гўзаллик олар.
Нигоҳлар нигоҳга шакар сепеди,
Севиб, севиб охир... севилиб қолар.

Умр — етти ғунча, тоғдаги гул ранг,
Кумуш кўк ортидан сибизға чолар,
Мен Отабек эмас, лек қалб энтикиб,
Севиб, севиб охир... севилиб қолар.

ЙИҒИ

Кўзлар очиб қўйди деразасини,
Ундан оқиб тушди сойдаин дунё.
Ичкарида қолган бир-икки томчи
Дераза ойнасин ювмоқда гўё.

Бир пайт тоғдай аждар қаердан пайдо...
Симириб ташлади кўзнинг борини.
Деразада қолган бир томчи қалқиб
Кўзни ўпиб қўйиб чалди торини.

Юмшоқ йўллар намчил, шира ёзилган
Кўзлар деразадан қарайди узоқ.
Энди бор-будини оқизиб ошкор,
Ўша аждарларга қўяди тузоқ.

• • •

Бисотингда не қолди, юрак,
Хотиралар адоғи охир.
Яраланган умид хастаҳол,
Ботиний бир туйғу ҳам зоҳир.

Бенасиб ишқ мунгли қалб куйи,
Бахт сабоғин ололмай карахт.
Андухзор боғ ичра руҳ сўниқ,
Вужуд — қуриб қолган бир дарахт...

ДУО

Бирлашган ҳур кафтлар — ҳавода қайиқ
Мен унда ўзимни авайлаб туриб,
Сизни ҳам авайлаш илмин ўргандим.

Ғийбат — ошкора қотиллик...
Жазосиз бу жиноятдан
Борлар йўқолар тағ-туғал.
Мен эса...
Кимдандир жазо сўрайман —
Илк насиба тилаб ўзимга.

САЛЮМ

Юрак оқ рангга бўялар,
Кўзлар севила бошлар зямдан.
Тил... халос этар асирликдан
Муҳаббатни!

Гуноҳ — сизни севгилим деб яшамоқ тан олмай,
Гуноҳ — қайноқ бир туйғуни садақа қилмоқ.
Гуноҳ — қалбнинг ичи бўшаб қолса гар
Ва сунгги дақиқа ҳам
«Севаман» дейишга ботинолмаса тил.

Сўзлар зил-замбил,
Кўтармоқ оғир.
Бутун кучингизни тўпласангиз ҳам
Силжитолмайсиз ўрнидан нари.
Мана ўша сўзлар:
«Кечиринг,
сизни севолмадим».

Сиз билмайсиз, шоир кўнгли оппоқ бўлар,
Минг ғазабдан ёниб турган пайтида ҳам.
Билганлари фақат кўнгил — ёнмоқ бўлар.
Ва «ёнмоқ» деб ёзиб қўяр байтида ҳам.

Уни қийнар етти иқлим савдолари,
Кўнглига тош отадилар ғамлар босиб.
У куйини чалаверар, садолари —
Юрагига осмондайин севги осиб.

У ғаниммас, лекин унга мингта ғаним,
Ҳар қадамда дуч келади минг-минг ёвга.
Шоир кўнгли оқ бўлади — қалбдан ғани,
Ва қалбини улашади қилиб совға.

Шоир учун дунё кулдир, лекин кул — ишқ,
Битта-битта суйиб чиқар кўргандини.
Юрагида гуллар дунё, сўнгсиз ташвиш —
Суйиб қолар ҳаттоки у душманини?!

Биз тоққа сиғиндик, тоғ худо бўлди,
Оқибат тошлардай парчаланди бош.
Денгизга сиғиндик, у худо бўлди,
Оқибат кўр қилди кўзни аччиқ ёш.

Оловга сиғиндик, у худо бўлди,
Оқибат кул бўлдик ҳали ёнмасдан.
Шамолга сиғиндик, у худо бўлди,
Оқибат тўзғидик ерда қолмасдан.

Бир йўл топилмади кўкка элтувчи,
Охири нажот деб қалбга сиғиндик,
Ўлдигу тирилдик ва шу пайт бирдан,
Ҳар биримиз... худо бўлиб туғилдик.

Кўзгуга боқади кўзларим,
Нигоҳим сирғалиб қочади.
Оҳ, кўзда минг ёвуз сўзларим...
Қалбимни бурдалаб сочади.

Қумдаин эзгилаб ташлайман,
Қолмайди ойнадан ном-нишон.
Қалбгинам, кўзларим йўқ энди,
Йўқ энди, йиғлама, сен ишон.

... Қайдандир теграмда **ТОМЧИЛАР...**

Оҳ, яна тирилар сўзларим.
Оҳ, энди синдириб бўлмайди,
Томчидан боқади кўзларим.

ЎН САККИЗ БАҲОРДА

Ўн саккиз баҳорда ўн саккиз ғунча,
Айланиб боқадиминг-минг капалак.
Гўзаллик тожини бошга кийгунча
Муҳаббат нурини сочар камалак.

Ўн саккиз баҳорнинг остонаси кенг,
Таъзим қилиб келар оташ муҳаббат.
Кўнгиллар... кўнгиллар бир-бирига тенг,
Оппоқ кабутардай оппоқ муҳаббат.

Наҳорда очилган нилуфардай оқ
Ўн саккиз баҳорнинг беғубор қалби.
Бу ёшлик ҳур ёшга кирганда шу чоқ
Фаришта нигоҳин кўрадир қалби.

Ўн саккиз баҳорни қувлаб етган бахт,
Рухимда туғилган афсонавий ишқ.
Юрагим устида олтиндан бир тахт,
Унда улғаймоқда гўдакдай бир ишқ.

ТАҚДИР СЎҚМОҒИ

Менинг йўлларим кўп тошли, адашли,
Товонларга тикан миҳдай қадапли.
Сўнгсиз йўллар аро кўзлар ҳам ёшли,
Бу тақдир сўқмоғи, тақдир сўқмоғи.

Кўнгил алданса гар, ёлғонлари бор,
Қалбга гина-кудрат солгонлари бор.
Ярим йўлда сендан толғонлари бор,
Бу тақдир сўқмоғи, тақдир сўқмоғи.

Меҳр гадосиман. Гадо кўкда моҳ,
Умринг сўнги қадар бўғзингда минг «оҳ»,
Ўпкангни тўлдирар пайдо бўлган доғ —
Бу тақдир сўқмоғи, тақдир сўқмоғи.

Юрагинг қийнама, қўл силта йўлдош,
Иккимизга етар Ҳақ берган бардош.
Бу йўлнинг боши ҳам, охири ҳам тош —
Бу тақдир сўқмоғи, тақдир сўқмоғи.

МУНДАРИЖА

З.Мирзаева. Сўзга айланган ишқ	3
«Тупроқни сачратманг, оҳ...»	5
«Сизни ранжитдимми...»	6
«Эҳ!...»	7
«Осмон боқиб турар маҳзун ва маъюс...»	8
«Меҳрга ташна қалб ёнган кун...»	9
«Гул эдим мен, кул бўлдим...»	10
Қалби куюк қизларга	12
Хайрлашув кечасида	13
«Юрагимни оловга кўмдим...»	14
«Мендан узоқ юринг...»	15
«Сиздек бокира қиз, сиздек ҳурлиқо...»	17
«Кукрак зор қақшадн...»	18
«Сизга ишонгандим кўнглимни бериб...»	19
«Адашибман...»	20
«Жудолик диёри...»	21
«Ёмғир ёғаётир...»	22
Оппоқ дил	23
«Сизни унутмоққа уриндим минг бор...»	24
«Осмон йиғлаб қолди, ёшлари дарё...»	25
«Сизни ёр дегандим...»	26
«Оппоқ...»	27
«Бу қора кўзларга тикилсам узоқ...»	28
«Уч нуқта...»	29
«Билсангиз...»	30
«Алдаб қўйдик бир-биримизни...»	31
«Сочингиз тўзғитиб шумланди шамол...»	32
«Ёр бўлди...»	33

Хонадаги капалак	34
«Юрак эрта пиша бошлайди...»	34
«Кўзларда ишқ ухлар...»	35
Йиғи	36
«Бисотингда не қолди, юрак...»	37
Дуо	37
«Ғийбат — ошкора қотиллик...»	38
Салом	38
«Ғувоҳ — сизни севгилим деб яшамоқ...»	39
«Сўзлар зил-замбил»	39
«Сиз билмайсиз, шоир кунгли...»	40
«Биз тоққа сиғиндик, тоғ худо бўлди...»	41
«Кўзгуга боқди кўзларим...»	42
Ўн саккиз баҳорда	43
Тақдир сўқмоғи	44

Адабий-бадiiй нашр

УМИД АЛИ
(Кўчимов)

ДИЛМОҲИМ
Шеърлар

Мухаррир Азиз САИД
Бадiiй муҳаррир Баҳриддин БОЗОРОВ
Техн.муҳаррир Елена ДЕМЧЕНКО
Мусаҳҳиҳ Дилрабо МИНГБОЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Екатерина НАЗАРОВА

ИБ 4023

Босишга 11.04.2005й.да рухсат этилди. Бичими 70x84 1\32.
Босма тобоғи 1,5. Шартли босма тобоғи 1,64.
Адади 1000 нуска. Буюртма № 91.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.